



The procedure for organizing the work of “Fuqarobai” system for the suppression and fight against delinquency and crime

Anvar AKHMEDOV¹

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2022

Received in revised form

25 October 2022

Accepted 20 November 2022

Available online

25 December 2022

ABSTRACT

The article highlights specific issues of improving the new order of organization of the “Fuqarobai” system of work to suppress offenses and crimes.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss11/S-pp103-108>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Keywords:

crime prevention,
work order “Fuqarobai”,
“Women’s notebook”,
“Youth notebook”.

Хуқуқбузарлик ва жиноятларни жиловлашда “фуқаробай” ишлаш тизимини ташкил этиш тартиби

АННОТАЦИЯ

Мақолада хуқуқбузарлик ва жиноятларни жиловлашда “фуқаробай” ишлаш тизими тушунчаси, ушбу тизимнинг бугунги кундаги аҳамияти, жойларда “фуқаробай” ишлаш методикасининг самараадорлиги ўрганилган. Шунингдек, хуқуқбузарлик ва жиноятларни жиловлашда “фуқаробай” ишлаш тизими бўйича республика доирасидаги статистик маълумотлар, норматив-хуқуқий хужжатлар кенг таҳдил қилиниб, жамиятимизда хуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, маҳалла ва худудлардаги криминоген вазиятни яхшилашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар:
хуқуқбузарлик,
жиноят,
олдини олиш,
“фуқаробай” ишлаш
тизими, методика,
“Аёллар дафтари”,
“Ёшлар дафтари”.

¹ Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

Порядок организации работы системы «Фуқаробай» по пресечению и борьбе с правонарушением и преступностью

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

профилактика правонарушений, порядок работы системы «Фуқаробай», «Женская тетрадь», «Молодежная тетрадь».

В статье освещены конкретные вопросы совершенствования нового порядка организации «Фуқаробай» системы работы по пресечению правонарушений и преступлений.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавфхатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген оғатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда. Хусусан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш; ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорлиқда “жиноят ўчоқлари”ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш; юқори бўғиндан энг қуий бўғин – маҳалла тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш белгиланди [1].

Ўзбекистонда аҳоли муаммоларини ҳал этишининг “фуқаробай” ишлаш тизимининг жорий этилиши дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 27 январь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида маълум қилинди. “Энди ишни “маҳаллабай” ташкил этишда маҳалла раиси, профилактика инспектори, мактаб директори, ёшлар етакчиси ёшлар муаммоларини “фуқаробай” аниқлайди. Мана, бир пайтлар биз “мижозбай” ишладик. Энди маҳаллада “фуқаробай” ишлаймиз. Уйнинг ичидаги одамнинг кайфияти қандай? Нима мурод-мақсади бор? Нима муаммолари бор? Шуларни “фуқаробай” аниқлаб, сектор раҳбарлари олдига аниқ ва лўнда масалаларни қўйишлари шарт [2]” – деб таъкидлаган эди. Шу билан бирга, аёллар билан ҳам индивидуал тартибда “фуқаробай” асосда ишлаш тизими жорий этилди. Маҳаллаларда жиноятларнинг сабабларини “илмий диагноз” асосида аниқлаш ҳамда сектор раҳбарлари, маҳалла раислари ва профилактика инспекторлари учун “Фуқаробай” ишлаш методикасини яратиш орқали ижтимоий ва моддий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларига ижтимоий, ҳукуқий, психологик қўллаб-қувватлов кўрсатиш, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз аёллар ва ёшларни фойдали фаолиятга жалб қилиш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, шунингдек, умумистеъмолдаги сўзлар қаторида “**фуқаробай**”, “**оилабай**”, “**маҳаллабай**” ва бошқа бир қатор сўзларнинг кириб келаётганлиги оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоқлари орқали ҳаммага маълум. Ҳолбуки, ушбу терминлар ҳозирги қабул қилинаётган бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топмоқда. Зеро, ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифаларини англаб етиш, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрнини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

“Фуқаробай” ишлаш тизими – фуқароларнинг мавжуд муаммоларини ҳал этишининг маҳсус платформаси ҳисобланиб, секторлар кесимида ҳар бир фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий, психологик ва бошқа муаммоларини индивидуал тартибда аниқлаш ва ҳал этишни назарда тутади.

Бугунги кунда жиноятчиликни жиловлашнинг самарали механизмлари амалиётга татбиқ қилинмоқда. Айниқса, криминоген вазияти мураккаб ҳудудларда ишнинг манзилли ёндашув асосида ташкил қилинаётгани содир этилган ҳар бир жиноий хатти-ҳаракатнинг асл сабабларини ўрганиш ва бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Аммо бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар мавжудлиги, айрим жойларда жиноятчилик аҳволининг ўзгаришсиз қолаётгани, маҳаллаларда фуқароларнинг ижтимоий муаммолари мавжудлиги, ҳақиқатан ҳам ижтимоий муаммоларни ҳал этмасдан туриб, хуқуқбузарликлар ва жиноятларни жиловлашнинг имкони бўлмайди. Бугунги кунда ўтказилаётган тадқиқот ва таҳлиллар ижтимоий муаммолар жиноятчиликнинг асосий сабаби эканлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мамлакатимизда “**фуқаробай**” тартибда, яъни шахснинг, ҳар бир фуқаронинг ижтимоий муаммосини ўрганиш ва уни бартараф этиш бўйича янги тизим яратилди.

Ижтимоий профилактика – бу жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, психологик, педагогик, хуқуқий ва бошқа муаммолар юзага келишининг олдини олиш, шунингдек, бундай муаммолар юзага келганда уларни ҳал этиш орқали хуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва хуқуқий, психологик, тиббий чора-тадбирлар тизими. Жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий, хуқуқий, психологик ва бошқа муаммолар биринчи навбатда ёшлар ва аёллар ҳаётида акс этади. Бошқача айтганда, **ёшлар ва аёллар муаммолари жамиятдаги муаммоларнинг барометри ҳисобланади**. Хусусан, Марказий Осиё дунёдаги энг ёш минтақа бўлиб, аҳолисининг ёши ўртача **27,6 ёшни** ташкил этади. Минтақа аҳолисининг **50 фоизга яқини** Ўзбекистон Республикасига тўғри келади. Жумладан, мамлакатимиз аҳолисининг **18,9 млн. нафари** ёки **54 фоизини 30 ёшгача** бўлган ёшлар ва болалар ташкил этади (15 ёшдан 19 ёшгача бўлгани **2 558 977 нафар**, 20 ёшдан 24 ёшгача **2 890 718 нафар**, 25 ёшдан 29 ёшгача **3 212 525 нафарни** ташкил қиласди).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”[3] ги ПФ-6196-сонли Фармонида ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш

орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмларидан бири этиб белгиланди.

Ушбу йўналишларда “Фуқаробай” ишлаш муайян тизим асосида ташкил этилиб, ёшлар муаммолари “Ёшлар дафтари” асосида, аёллар муаммолари “Аёллар дафтари” асосида, кам таъминланган ва эҳтиёжмандлар муаммолари “Темир дафтар” асосида ҳамда етим болаларни давлат ҳимоясига олиш муаммолари “Мехр дафтар” асосида ҳал этилади.

Ўзбекистон сингари аҳолиси таркибида ёшларнинг улуши юқори бўлган мамлакатларда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

- ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- ёшларнинг соғлигини сақлаш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш;
- ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;
- ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш;
 - ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадрияларга ҳурмат руҳида, заарарли таъсиrlар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;
 - ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;
 - ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
 - ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
 - ёш оиласарни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;
 - ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар муаммоларини индивидуал аниқлаш ва ҳисобга қўйиш ҳамда индивидуал тартибда ҳал этишнинг маҳсус тизими “Ёшлар дафтари” жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 марта “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”[4]ги ПФ-81-сонли Фармонида оила, хотин-қизлар ва кекса авлод вакиллари билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб берилди:

– хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама қўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилияtlарини тўғри йўналтириш;

– гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислоҳотларни амалга ошириш;

– худудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш;

– тураг жойга муҳтоj хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини қўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш;

– оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-хуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни “Аёллар дафтари” орқали манзилли қўллаб-қувватлаш;

– жамиятда хотин-қизларга тазиик ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

– оиласининг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оиласий қадриятларни сақлаш, оиласарда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ва уларнинг фаровонлик даражасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартағи “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”[5]ги ВМ-145-сон қарори асосида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтоj, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-хунарга эга бўлмаган, хуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган қатламига давлат томонидан манзилли қўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим жорий қилинди.

Хулоса ўрнида оддий қилиб айтганда, “**Фуқаробай**” ишлаш, бу – барча соҳа мутасаддиларининг бир мушт бўлиб, фуқароларнинг муаммолари, уларнинг турмушидаги муҳим масалаларни биргалиқда ҳал этишнинг янгича механизми. Шу боис, барча давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотларининг асосий вазифалари қаторида жиноятларни содир этиш сабаблари ҳамда унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаган ҳолда, уларни барвақт олдини олиш борасида давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилаётган “**Фуқаробай**” ишлаш тизимини жорий этиш бўлиб ҳисобланади. Бу эса жамиятимизда хуқуқбузарликлар ва жиноятларни жиловлашга, маҳаллалар ва худудлардаги криминоген вазиятни яхшилашга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи ПФ-6196-сонли “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони / Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

2. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/27/youth/>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сонли “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 01 мартдаги ПФ-81-сонли “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. (www.lex.uz).

5. 1 <https://lex.uz/uz/docs/5932671>.